

**«ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.11.2021.Т.141.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**«ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АЖ**

**ИСМОИЛОВ УЛУҒБЕК МИРАБИДОВИЧ**

**РЕГЕНЕРАТОР ИШЧИ ҚИСМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ОРҚАЛИ ПАХТАНИ РЕГЕНЕРАЦИЯЛАШ ВА ТОЗАЛАШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**05.06.02 – “Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов  
бериш”**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Исмаилов Улугбек Мирабидович**

Регенератор ишчи қисмларини такомиллаштириш орқали пахтани  
регенерациялаш ва тозалаш технологиясининг самарадорлигини  
ошириш..... 3

**Исмаилов Улугбек Мирабидович**

Повышение эффективности технологии регенерации и очистки  
хлопковых отходов путем усовершенствованием рабочих органов  
регенератора..... 21

**Ismailov Ulugbek Mirabidovich**

Improving the efficiency of cotton regeneration and cleaning technology  
by improving the working parts of the regenerator ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works..... 42**

**«ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.11.2021.Т.141.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**«ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АЖ**

**ИСМОИЛОВ УЛУҒБЕК МИРАБИДОВИЧ**

**РЕГЕНЕРАТОР ИШЧИ ҚИСМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ОРҚАЛИ ПАХТАНИ РЕГЕНЕРАЦИЯЛАШ ВА ТОЗАЛАШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**05.06.02 – “Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов бериш”**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/T2915 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Пахтасаноат илмий маркази” акциядорлик жамиятида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) “Пахтасаноат илмий марказ” АЖ ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.paxtasanootilm.uz](http://www.paxtasanootilm.uz)) ва “Ziyonet” ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Кулиев Тохир Мамаражапович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:**

**Сулаймонов Рустам Шенникович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Исмаилов Алишер Абдулхаевич**  
техника фанлари номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси «Пахтасаноат илмий маркази» акциядорлик жамияти ҳузуридаги DSc 30/30.11.2021.T.141.01 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «27» март соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100070, Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси 8-уй. Тел.: (+99871) 207-04-03; факс: (+99871) 256-04-21; e-mail: [info@paxtasanootilm.uz](mailto:info@paxtasanootilm.uz) («Пахтасаноат илмий маркази» акциядорлик жамияти биноси, 3-қават, мажлислар зали).

Диссертация иши билан «Пахтасаноат илмий маркази» акциядорлик жамияти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (руйхатдан ўтган 11-сон). Манзил: 100070, Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси 8-уй. Тел.: (+99871) 207-04-03.

Диссертация автореферати 2023 йил «17» март куни тарқатилди.  
(2023 йил «17» март 17 - рақамли реестр баённомаси).



**Қ.Ж. Жуманиязов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д., проф.

**М.Р. Муминов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

**Р.К. Дзамолов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тўқимачилик саноатида пахта толасини ишлатилиши бўйича умумий толалар миқдорининг 55-60 фоизини ташкил этади. Дунё статистикаси ва Пахта бўйича Халқаро консултатив қумита (ICAC) нинг сўнги маълумотларига кўра “2020-2021 йиллар мавсумида пахта толасини экспортёрлари тўртталигига АҚШ, Хиндистон, Австралия ва Бразилия ҳамда импортёрлар Бангладеш, Вьетнам, Хитой, Туркия ва Индонезия мамлакатлари киради”<sup>1</sup>. Пахта тозалаш саноатини изчил ва барқарор ривожлантириш, тармоқ корхоналарида замонавий асбоб-ускуналарни жорий этиш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш даражасини ошириш, жаҳон пахта бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тақазо этади. Шу жиҳатдан, пахтани дастлабки қайта ишлаш саноатида юқори самарадорликка эга бўлган пахтани тозалаш ускуналарини такомиллаштириш ва ресурстежамкор технологияларни яратиш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасида пахтани дастлабки ишлашнинг техника ва технологиясини такомиллаштириш бўйича кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан пахта тозалагичлардан ажралаётган чиқинди таркибидаги пахтани ажратиш ва уни тозалашнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш, регенераторларнинг ресурстежамкор ускуналарини яратиш вазифалари қўйилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида маҳсулот сифати ва миқдорига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилувчи техникавий ечимларини, пахтани регенерациялаш технологик жараёнида унинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаб қолишни, энергия сарфини камайтириш имконини берадиган, маҳсулот сифатини бошқара оладиган технологияларни ишлаб чиқиш, ишлаш режимлари ва кўрсаткичларини оптималлаштириш йўналишида илмий тадқиқот олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамызда пахтачилик тармоғини ривожлантириш, пахта тозалаш корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва пахта хом ашёсини қайта ишлаш рентабеллигини, шу билан бирга, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони, жумладан “... Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва янги ички маҳсулотда саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш мақсад қилиниб, бунда тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишда тўқимачилик соҳаларининг ишлаб чиқаришга таъсирини ўрганиш...”<sup>2</sup> вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга

<sup>1</sup> International Cotton Advisory Committee, Washington DC, USA, December 2022.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилдаги мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

оширишда, жумладан, пахтани дастлабки табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолувчи ресурстежамкор, самарадорлиги юқори бўлган регенерациялаш технологиясини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2020 йил 6 мартдаги «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора тadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-4633-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги «Пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора-tadbирлари тўғрисидаги»ги 397-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тadbқиқоти муаян даражада хизмат қилади.

**Тadbқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тadbқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Пахтани тозалаш технологиялари бўйича бир қатор ҳориж олимлари M.N.Willcutt, S.E.Hughs, G.J.Mangialardi, S.G.Jasckson, G.C.Robert, W.S.Anthony, R.V.Barker, P.A.Boving, J.W.Laird, V.G.Arude, S.K.Shukla, T.S.Manojkumar, D.W.VanDoorn ва бошқалар томонидан илмий тadbқиқотлар олиб борган ва Республикаимизнинг бир қатор олимларидан Б.А.Левкович, С.Д.Болтабоев, А.Н.Нуралиев, С.А.Самандаров, Г.И.Мирошниченко, Р.З.Бурнашев, Г.Д.Джаббаров, С.Д.Балтабаев, Г.И.Болдинский, Р.В.Корабельников, Б.И.Роганов, Х.К.Турсунов, А.Джураев, Э.Т.Максудов, Т.М.Кулиев, А.Е.Лугачев, Х.Т.Ахмедходжаев, Р.М.Мурадов, Б.Мардонов, Ш.Ш.Ҳакимов, О.Саримсоков, Х.К.Рахмонов, И.Д.Мадумаров, А.Х.Бобоматов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Ҳориж ва республика олимларининг ишларини ўрганиш ва пахтани регенерациялаш ускуналари таҳлилидан аниқландики, бугунги кунда самарадорлиги юқори бўлган пахтани регенерациялаш машиналарининг ресурстежамкор технологияларини яратиш масалалари ўзининг самарали ечимини тўлиқ топмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-tadbқиқот муассасасининг илмий-tadbқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тadbқиқоти «Пахтасаноат илмий маркази» АЖнинг илмий-tadbқиқот ишлари режасида қуйидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалари бўйича бажарилган. Ф-2102 «Пахта чиқиндиси таркибидаги пахтани 2РХ-М русумли регенераторда ажратиб олиш самарасини ошириш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тadbқиқотнинг мақсади** пахта регенераторининг ишчи қисмларини такомиллаштириш билан унинг ишлаш самарасини оширишни таъминлашдан иборат.

**Тadbқиқотнинг вазифалари:**

резина-планкали барабанда ажратилган пахта бўлақларини ўқ бўйича

ҳаракатини унинг параметрлари ва иш режимларига боғлиқ ҳолда назарий ўрганиш;

аррали барабандан пахтани резина-планка билан ажратиш хусусиятини планкали барабан параметрлари ва иш режимларига боғлиқ ҳолда ўрганиш;

регенератор юқори қопқоғининг параметрларини амалий асослаш;

илдирувчи колосникли мосламанинг технологик ўлчамларининг тозалаш самарасига таъсирини ўрганиш;

такомиллаштирилган қисмларнинг асосий факторларини танлаш ва кўп омилли тажрибаларни ўтказиш;

регенераторда такомиллаштирилган қисмларни қўллашдан олинадиган иқтисодий самара ҳисоби.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2РХ-М русумли пахта регенератори олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида конструктив схемалар, ишчи органлар ҳаракатини ифодалайдиган динамик ва математик моделлар, боғланиш графиклари, асбоблар ва қурилмалар, ҳаракат қонунлари, ҳамда тозалагичнинг тавсия этилаётган ишчи параметрлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида пахтани дастлабки ишлаш, назарий ва амалий механика, математик статистика усулларида, солиштириш, баҳолаш ва мақсадли электрон дастурлар ёрдамида оптималлаштириш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

пахтани арра тишидан ажратувчи ва пахтани тозалаш самараси юқори бўлган, пахта бўлақларини чиқиш томон йўналтириш учун ўкга нисбатан оғувчи резина-планкали ажратиш барабанли, пахтани арра тишларига илдирувчи колосникли мосламали пахта регенератори ишлаб чиқилган;

толали чигитни регенератор аррали барабани арра тишлари томонидан илиб олгандаги реакция кучларини ҳисоби бўйича ҳаракатини ифодаловчи тенгламалар системаси ва резина-планка орқали ажратиб олишдаги инерция кучини аниқлаш тенгламаси олинган;

пахта бўлагини резинали планка сиртидаги ҳаракат қонунини ифодаловчи дифференциал тенгламалар системаси ҳосил қилинган ва пахта бўлақларини резина-планкали барабанда транспортировка қилиш вақтини барабан бурчак тезлигининг ортиши билан нозизиқли қоидада камайиши аниқланган;

ишлаб чиқилган пахта регенераторининг такомиллаштирилган конструкциясининг асосий параметрлари ажратувчи барабан резина-планкасини дискда жойлашиш бурчагини, айланиш тезлигини ва иш унумдорлик кўрсаткичларини кўп омилли натижалари асосида аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

пахта регенераторининг ишчи органларини такомиллаштириш билан янги конструкциядаги регенерациялашнинг технологик тизими тавсия қилинган.

юқори ажратиш коэффициентига, тозалаш ва регенерациялаш самарасини таъминлайдиган, юқори иш унумдорлигида ресурс тежалишини амалга оширадиган ишчи органлар (резина-планкали ажратиш барабани, илдирувчи колосникли мослама ва юқори йўналтирувчи қопқоқ)нинг мақбул параметрлари

ва иш режимлари аниқланган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги.** Назарий ва тажрибавий тадқиқотларни ўзаро мослиги, ҳисоблашларда стандарт усуллар ва воситалардан фойдаланилганлиги ҳамда тавсия қилинган пахтани регенерациялаш ускунасининг конструкциялари реал иқтисодий самарадорлик билан ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Илмий тадқиқот ишининг илмий аҳамияти пахта регенераторининг ишчи органлари ҳаракатини ифодаловчи динамик ва математик моделларини олиш, масалаларни сонли ечимлари асосида тавсия қилинган машина ишчи органлари ҳаракат қонунларини, параметрларини боғланиш графикларини, ҳаракат режимларини, технологик, кинематик ва динамик параметрларини оптимал қийматларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, регенерация жараёнларини интенсификациялаш ҳисобига, иш ресурсини ошириш ҳисобига юқори унумдорликда ажратилаётган пахталардан сифатли тола олишни таъминлайдиган регенераторнинг конструкциясини такомиллаштирилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пахтани ифлосликлардан тозалаш оқими технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий ишлар натижалари асосида:

пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш машиналаридан ажралган чиқинди таркибидан пахтани ажратишнинг такомиллаштирилган 2PX-M регенератори Фарғона вилояти Боғдод туманидаги «FERGANA SPINNING» МЧЖ кластерига қарашли пахта тозалаш корхонасининг пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш технологик машиналари тизимига жорий қилинди (“Пахта тўқимачилик кластерлари” уюшмасининг 2022 йилдаги №02/22-630 сонли маълумотномаси). Натижада II-саноат навида тозалагичнинг арра тишларидан пахтани ажратиш коэффиценти 99,5 % ни ташкил этиб, амалдагисидан 0,7 % га, чиқинди таркибидаги пахтани ажратиш самараси 98,9 % ни ташкил этиб, амалдагисидан 0,7 % га ва IV- саноат навида эса ажратиш коэффиценти 98,8 % ни ташкил этиб, 0,9 % га, чиқинди таркибидаги пахтани ажратиш самараси эса 98,2 % ни ташкил этиб, амалдагисидан 0,6 % га юқориликка эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та илмий-техник анжуманларда, шу жумладан, 3 та халқаро, 2 та Республика конференцияларда ва илмий семинарларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, шундан хорижий журналда 2 та мақола нашр этилган ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 1 та фойдали моделга патент олинди.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисми диссертация мавзусининг долзарблигини асослаб берган, тадқиқот мақсади ва вазифаларини шакллантиради, тадқиқот объекти ва предметини тавсифлайди, тадқиқотни республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослигини кўрсатади, илмий янгилиги ва амалий натижаларини баён қилади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиб беради, тадқиқот натижаларини, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши, ҳақида маълумот беради.

Диссертациянинг биринчи **“Пахтани регенерациялаш технологик ускуналарининг самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқот ишлари таҳлили”** бўлими адабий манбаларни аналитик таҳлилга ва пахта регенераторларининг ва чиқиндидаги пахта бўлақларини ажратиш қилишнинг ҳозирги ҳолатига бағишланган.

Таҳлиллар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида техник ечим таклиф этилди. Техник ечимнинг моҳияти 1-расмда таклиф этилаётган пахта регенераторининг схемаси кўрсатилган.




1-тозаланган пахтани чиқариш қуври, 2-устки қопқоқ, 3-қозиқли титувчи барабан, 4-чиқиндили пахта аралашмалари кириш қуври, 5-пахтани арра тишларидан ажратувчи резина-планкали барабан, 6-илдирувчи колосниклар, 7-колосниклар, 8-аррали цилиндр, 9-чиқинди шнеги.

**1-расм. 2PX-M пахта регенератори схемаси**

Режалаштирилган экспериментал тадқиқотларни амалга ошириш учун жорий қилинган 2PX-M пахта регенераторининг конструкциясига баъзи ўзгартиришлар киритилди. Асосан, резина-планкали ажратиш барабанининг планкаларини барабан ўқиға нисбатан бурчак остида қўйилиши аррадан пахтани актив ажратишга ва уни аксиал ҳаракатига олиб келади 2-расм. Бундан ташқари, мавжуд пахта регенераторининг қозиқли барабан устидаги қопқоғида ҳам ўзгартиришлар амалга оширилди. Бунда юқори қопқоқдан пахтани бир текис ташқарига чиқариши учун уни ярим айлана кўринишида, пахта чиқиш жойи томон қия бурчак остида ўрнатилди. Регенераторнинг тозалаш самарасига

яна бир элементнинг таъсири кўзатилади, бу илдирувчи колосникли мосламадир. Уларнинг арра билан оралиқ масофалари бир хиллиги таъсирида ифлос аралашмалар билан аррали цилиндрга узатилаётган пахта илдирувчи колосниклар олдида тўдаланиб, йирик ифлосликларни колосник орасида эзиш билан майда ифлосликларни ортишига олиб келиши мумкинлигини эътиборга олиб, 3 дона ўрнатилган илдирувчи колосниклар билан аррали цилиндр оралиқ масофаларини кетма кетликда камайтириб бориш билан пахтани арра юзасига илдириш самаралироқ бўлишини тақлиф этилди.



2-расм. Резина-планкали ажратувчи барабан.


Тақлиф этилаётган пахта тозалагичини схемаси асосида унинг параметрлари ўзгартириладиган экспериментал нусхаси тайёрланди, тадқиқотнинг услубияти ишлаб чиқилди, мақсадлари ва вазифалари белгилаб олинди.

Диссертациянинг **“Регенераторда аррали барабандан пахта бўлагини резинали планка билан ажратиб олишнинг назарий тадқиқотлари”**, номли иккинчи бобида ишлаб чиқилган пахта регенераторининг асосий параметрларини назарий асослаш натижалари келтирилган.

Маълумки пахта регенераторлари асосан пахтани йирик ифлосликлардан тозалагичларидан ажралаётган чиқинди таркибидаги пахта бўлакчаларини ажратиб олиб, уларни тозалаш машиналарига узатилади. Бунда асосан 1-2 та толали чигитлар ажратиб олинади. Тавсия этилган регенераторда ўзига хос томони шундан иборатки, тозалаш зонасида аррали барабаннинг арра тишлари илиб олган пахта бўлакчаларини (толали чигитлар) колосниклар билан таъсирлаштириб, ифлосликлардан тозаланади. Чиқиш зонасида тозаланган толали чигитлар барабаннинг резинали планкалари ёрдамида арра тишларидан ажратиб олинади. Сўнгра резина планкалар барабан ўқиға оғиш бурчакда жойлашганлиги учун пахта бўлаклари ўқ бўйлаб ҳам силжийди. Яъни регенераторда тозаланадиган аралашма аррали барабан бир учидан таъминланса, резинали планкали барабан ёрдамида иккинчи учидан чиқариб олинади. Шунинг учун назарий томондан қуйидагиларни аниқлаш муҳим ҳисобланади:

толали чигитни арра тишларидан резина-планка билан ажратиб олиш ҳисоб схемаси ва кучларни таъсир йўналишларини аниқлаш;

мувозанат шартига асосан толали чигит (пахта бўлакчалари) ни арра тишлари сиртидан ҳаракат қоидасини ифодаловчи дифференциал тенгламалар системасини ҳосил қилиш;



**3-расм. Аррали барабан арра тишлари илиб олган толали чигитни резина планкали барабан ажратиб олишдаги ҳисоб схемаси.**

резина планка толали чигитни арра тишларидан ажратиб олиш шартига асосан олинган ҳаракат тенгламаларидан толали чигитни ажратиб олиш кучини аниқлаш ифодасини ҳосил қилиш;

масалани сонли ечими асосида толали чигитни арра тишларидан ажратиб олиш кучини система ҳаракатларига боғлиқлик графикларини қуриш ва таҳлиллар асосида уларнинг мақбул қийматларини аниқлаш.

3-расмда аррали барабан арра тишлари илиб олган толали чигитни резина планкали барабан ажратиб олишдаги ҳисоб схемаси келтирилган.

Ҳисоб схемасига асосан арра илиб олган пахта бўлагига қуйидаги кучлар таъсир қилади:

- оғирлик кучи,  $G=mg$ ;
- ишқаланиш кучи,  $F_{иш}=fN$ ;
- марказдан қочма куч,  $F_{МК}=m_z \omega_b^2(R_z+h/2\cos\alpha_1+X)$ ;
- кориолис кучи,  $F_k=2m_2\dot{x}\omega\cos\Theta$ ;
- ҳавони қаршилик кучи,  $F_{хк}=kV_x^2$ ;
- реакция кучи;  $-N$
- инерция кучлари,  $m_2\ddot{x}$ ;  $m_2\ddot{y}$ ;
- резина планка толали чигитни арра тишларидан ажратиб олиш кучи,  $F_{аж}$ ,

Толали чигитни (пахта бўлагини) регенератор аррали барабани арра тишлари илиб олгандаги ҳаракатини ифодаловчи тенгламалар системасини ҳосил қилиш учун Даламбер принциpidан фойдаланиб, қуйидаги шартларни белгилаймиз.

$$\sum_{i=1}^n F_{ix} = 0, \quad \sum_{i=1}^n F_{iy} = 0 \quad (1)$$

Бу ерда,  $F_x, F_y$ -толали чигитга таъсир қилувчи кучларни  $x$  ва  $y$  координата ўқларига проекциялари.

Келтирилган (1) га асосан, ҳамда 3-расмдаги ҳисоб схемаси бўйича кўрсатилган барча кучларни мос равишда  $x$  ва  $y$  ўқларига проекцияларини олиб, инерция кучини дифференциал тенгламалар системасини ҳосил қиламиз.

$$\begin{aligned} m_2\ddot{x} &= -G\sin j - F_{иш} + F_{МК}\cos\alpha + F_{аж}\cos\beta; \\ m_2\ddot{y} &= -G\cos j + N + F_{иш} - F_x + F_{аж}\sin\beta. \end{aligned} \quad (2)$$

Ҳосил қилинган (2) тенгламани таҳлил қилинганда, толали чигит (пахта бўлаги) тишдан чиқариб олинганда у тиш бўйича  $X$  ўқи бўйлаб ҳаракати бўлмайди. У ҳолда толали чигит резина планка орқали чиқариб олиш кучини аниқлаш формуласини ҳосил қиламиз:

$$F > \frac{-m_2 g (\sin j + f \cos j) - f k V^2 x + m_2 w_b^2 (R_b + \frac{h}{2} \cos \alpha) \cos \alpha}{\cos \beta - f \sin \beta} \quad (3)$$

Бу ерда,  $X=0$ ;  $\ddot{X}=0$ ;  $\dot{X}=0$  ҳолатида толали чигитни тиш сиртидан ажратилган ҳолати инобатга олинган.


Демак (3) га асосан аниқланадиган қийматларида толали чигит резина планка орқали тиш сиртидан чиқариб олинади.

Тавсия этилган пахта регенератори аррали барабан тишлари сиртидан толали чигитни ажратиб олиш кучини параметрларга боғлиқлигини аниқлаш учун уларнинг дастлабки қийматлари қуйидагича олинган:  $m_r=(0,2-0,45)10^{-3}$  кг;  $f=(0,2-0,45)$ ;  $g=9,81$  м/с<sup>2</sup>;  $j=20^0-45^0$ ;  $v=15^0-35^0$ ;  $b=8,0^0-10^0$ ;  $V_x=(2,0-3,0)$  м/с;  $k=1,5-2,5$ ;  $h=(3,0-7,0) \cdot 10^3$  м;  $l=1,9 \cdot 10^3$  м;  $\omega_b=(0,6-0,95) \cdot 10^{-3}$  с<sup>-1</sup>. Таъкидлаш лозимки резина планкаларни ўқга нисбатан оғиш бурчаги  $7^0$  гача тажрибада аниқланган. Бу умумий узунлик бўйича барабан айланаси бўйича ( $7,0^0-9,0^0$ ) гача деформацияланишини белгилайди. Умумий узунлиги бўйича бир вақтни ўзида ажратиб олинадиган толали чигитларнинг сони ўртача (80-100) тагача бориши мумкин.

Юқорида келтирилган параметрлар қийматлари чиқариб олиш кучини ўзгариш қонуниятлари аниқланади. Жумладан 4-расмда резинали планкани барабан тишларидан толали чигитни ажратиб олиш кучини унинг массасига боғлиқлик графиклари келтирилган.

Олинган графиклар таҳлиliga кўра пахта бўлаги толали чигитлардан иборат бўлиб барабан узунлиги бир қиялик бўйича ажратиб олаётган массаси  $0,2 \cdot 10^{-3}$  кг дан  $1,2 \cdot 10^{-3}$  кг гача ошганида, уларни барабан тишларидан ажратиб олиш кучи  $F_{аж}$  қийматлари  $j=10^0$  бўлганида 0,165 Н дан 0,72 Н гача чизиксиз қонуниятда кўпаяди. Агарда  $j=40^0$  бўлганида  $F_{аж}$  қийматларга 0,52 Н дан 1,48 Н гача ортади. Демак, барабан узунлиги  $l_b=1,9 \cdot 10^3$  бўлганида ўртача (80-100) гача яқин толали чигитлар ажратиб олинади. Бунда ажратиб олиш кучи (6,0-8,0) Н гача ортади.

Тавсия этилган пахта регенераторида барабан тишлари илиб олган толали чигитлар резина-планкали барабан чиқариб олиб ўқи бўйлаб ҳаракатлантиради ва чиқиш зонасига транспортировка қилади. Бунда резина планкалар барабан ўқиға нисбатан оғма жойлашади. Натижада катта пахта бўлаги ўқ бўйлаб ҳаракатлантирувчи кўшимча куч ҳосил қилади. Шунинг учун толали чигит оғма жойлашган планкалар сиртидаги ҳаракатини назарий жиҳатидан таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Масалани ечиш учун пахта бўлагига таъсир қилувчи кучларни қўйган ҳолда ҳисоб схемаси қурилди. Ушбу ҳисоб схемаси 5-расмда келтирилган.



1-j=10<sup>0</sup>; 2-j=20<sup>0</sup>; 3-j=30<sup>0</sup>; 4-j=40<sup>0</sup>.

4-расм. Резинали планкани, барабан тишларидан толали чигитни ажратиб олиш кучининг унинг массасига боғлиқлик графиклари.

Ҳисоб схемасига асосан таъсир қилувчи кучлар қуйидагилардан иборат:  $\vec{G}$  -оғирлик кучи вектори;  $\vec{F}_{\text{МК}}$  -марказдан қочма куч вектори;  $\vec{F}_x$  - ҳаво қаршилик кучи вектори;  $\vec{F}_{\text{кор}}$  -кориолис кучи вектори;  $\vec{F}_{\text{иш}}$  -ишқаланиш кучи вектори;  $\vec{N}$  -реакция кучи вектори.

Ушбу кучларни ҳамда инерция кучини координата ўқлари X, Y, Z бўйича проекцияларини олиб, мувозанат шартини Даламбер принципига асосан қуйидагиларни ҳосил қиламиз:

$$\sum_{i=1}^n F_{ix} = 0; \quad \sum_{i=1}^n F_{iy} = 0; \quad \sum_{i=1}^n F_{iz} = 0 \quad (4)$$

Барча кучлардан проекцияларини оламиз ва пахта бўлагини резинали планка сиртидаги ҳаракат қонунини ифодаловчи дифференциал тенгламалар системасини ҳосил қиламиз:

$$\begin{aligned} m_n \ddot{x} &= -kV_x^2 \cos\beta_1 - N \cos\beta_2 - F_{\text{кор}} \cos\beta_3 - F_{\text{иш}} \cos\beta_4; \\ m_n \ddot{y} &= -kV_x^2 \sin\beta_1 + N \sin\beta_2 + F_{\text{кор}} \sin\beta_3; \\ m_n \ddot{z} &= -G - F_{\text{иш}} \sin\beta_4 + F_{\text{МК}}. \end{aligned} \quad (5)$$


бу ерда,  $\beta_1, \beta_2, \beta_3, \beta_4$  –мос кучларни X координата ўқи билан ҳосил қилган бурчаклари.

Мос равишда таъсир қилувчи кучлардан фойдаланиб (5) системани қуйидагича ҳосил қиламиз.

$$\begin{aligned} m_n \ddot{x} &= -kV_x^2 \cos\beta_1 - N \cos\beta_2 - 2m_n \dot{x} \omega_b \cos\Theta; \\ m_n \ddot{y} &= -kV_x^2 \sin\beta_1 + N \sin\beta_2 + 2m_n \dot{x} \omega_b \cos\Theta; \\ m_n \ddot{z} &= -m_n g - N \sin\beta_4 + m_n \omega_b^2 (R_b + h/2 + Z). \end{aligned} \quad (6)$$


Масалани сонли ечими параметрлари дастлабки ҳисоб қийматларида амалга оширилди:

$m_n = (0,2-2,0) \cdot 10^{-3} \text{ кг}$ ;  $f = (0,25-0,3)$ ;  $g = 9,81 \text{ м/с}^2$ ;  $\Theta = 5^0-10^0$ ;  $\omega_b = (95-110) \text{ с}^{-1}$ ;  $l = 1,9 \cdot 10^3 \text{ м}$ ;  $V_x = (2,0-3,0) \text{ м/с}$ ;  $k = 1,5-2,5$ ;  $\beta_1 = 30^0-45^0$ ;  $\beta_2 = 25^0-60^0$ ;  $\beta_3 = 30^0-50^0$ ;  $\beta_4 = 15^0-35^0$ .



**5-расм. Пахта бўлагини резина планка оғма сиртидаги ҳаракатини ифодаловчи ҳисоб схемаси.**

Тавсия этилган пахта регенераторида резина-планкани пахта бўлақларини тишлардан ажратиб олувчи барабаннинг ўлчамлари шундай танланиши керакки, у биринчидан пахта бўлақларини тишлар орасидан тўлиқ чиқариб олишда, иккинчидан, тезроқ транспортировка қилиб чиқариш зонасига узатиш, ҳамда учинчидан пахта толаларини мумкин қадар шикастламаслиги зарур бўлади. Бунда толали чигит арра тишидан чиқариб олинганидан сўнг бир неча марта резинали-планкалар оғма жойлашгани учун ўқ бўйлаб таъсирлашади ва чиқариб юборилади. Ушбу такрорланишлар пахта бўлагини массасига қараб (3-7) мартагача резинали планка сиртида ҳаракатланиб чиқиш зонасига транспортировка қилинади. Шунинг учун пахта бўлагини резина планкали барабандан транспортировка қилиб чиқариб ташлаш вақтини аниқлаш муҳим ҳисобланади.



1- $m_n=2,0 \cdot 10^{-3}$  кг; 2- $m_n=1,5 \cdot 10^{-3}$  кг;  
3- $m_n=1,0 \cdot 10^{-3}$  кг; 4- $m_n=0,5 \cdot 10^{-3}$  кг.  
**6-расм. Пахта бўлақларини резина-планкали барабанда транспортировка қилиш вақтини резина-планкалар оғиш бурчаги ва пахта бўлаги массасига боғлиқлик графиклари.**

Бунда транспортировка қилиш вақтини ўртача барабаннинг (0,6-0,7)  $l$  м га тенг масофада деб қабул қилинди. Чунки барча пахта бўлақлари барабан тўлиқ узунлигида ҳаракат қилмайди. Шунингдек  $X$  ўқи бўйича ҳаракат тезлигини аниқлаб, сўнгра транспортировка вақти топилди. Бунда (5) дифференциал

тенгламалар системаси сонли ечимини компютерда амалга оширилди. Пахта бўлагини транспортировка қилиш вақти (7) тенглама бўйича аниқланади:

$$t = \frac{X}{\dot{X}} \quad (7)$$


6-расмда пахта бўлакларини резина-планкали барабанда транспортировка қилиш вақтини резина-планкалар оғиш бурчаги ва пахта бўлаги массасига боғлиқлик графиклари келтирилган.

Олинган тадқиқотлар тахлилига асосан резина-планкаларнинг оғиш бурчаги  $5^{\circ}$  дан  $15^{\circ}$  гача кўпайганида,  $m_n=0,5 \cdot 10^{-3}$  кг ли толали чигитни транспортировка вақти 0,42 с дан 0,097 с гача нозизиқлик боғланишда камайишини кўриш мумкин. Мос равишда пахта бўлаги массаси  $2,0 \cdot 10^{-3}$  кг қилиб олинганда уни транспортировка вақти 1,0 с дан 0,39 с гача чизиқсиз қонуниятда камайиб боради. Шунинг учун турли массадаги пахта бўлакларини тезроқ транспортировка қилиш учун резина-планкаларини оғиш бурчагини тавсия қийматлари  $\Theta=7^{\circ}$  қилиб олиш тавсия этилади.

**“Тажрибаларни ўтказиш усуллари ва амалий изланишлар”** номли диссертациянинг учинчи бобида экспериментал тадқиқотлар ўтказишнинг махсус ишлаб чиқилган усуллари, шунингдек ишлаб чиқилган пахта регенераторининг асосий параметрлари ва иш режимларини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.


Тажрибаларни ўтказиш учун “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ қошидаги “РИМ Устахонаси” МЧЖ да Боғдод пахта тозалаш корхонасининг пахтани ифлосликлардан тозалаш тизимига ўрнатилган 2РХ-М русумли регенераторни такомиллаштириш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар тайёрланди. Булар, кўшимча равишда илаштирувчи колосникли механизм (7-расм), янги конструкцияли тўртта ўлчамдаги юқори қопқоғи (8-расм) тайёрланди, резина-планкаларини жойида барабаннинг ўзида такомиллаштириш амалга оширилди.

Таклиф этилган пахта регенераторининг тажрибаларини ўтказиш давомида ишлаб чиқаришга узатилаётган ифлослиги 11,8%, намлиги 12,6% бўлган III-саноат навли Нам-77 селекцияли пахта хомашёсидан фойдаланилди.



$h$ -биринчи колосник билан арра оралик масофаси,  $h_1$  –иккинчи колосник билан арра оралик масофаси,  $h_2$ - учинчи колосник билан арра оралик масофаси.


**7-расм. Колосникли илдирувчи мослама схемаси.**



**8-расм. Тажриба учун ишлаб чиқилган қопқоқлар схемаси.**

Тажрибаларни ўтказишда резина-планкали барабаннинг айланишлар сони 730, 960, 1190, 1420 айл/минда, планкаларнинг барабан ўқига нисбатан ўрнатилиш бурчагини  $5^{\circ}$ ,  $10^{\circ}$ ,  $15^{\circ}$  ларда ва планка билан арра оралик масофаларининг ажратиш самарасига таъсири ўрганилди. Бундан ташқари юқори қопқоқнинг пахта чиқиш сиртини регенератор утки рамасига нисбатан ҳар хил қиялик бурчагида  $\alpha=0^{\circ}$ ;  $0,74^{\circ}$ ;  $1,48^{\circ}$ ;  $2,22^{\circ}$  тайёрланган қопқоқлардан фойдаланилди.

Тажриба натижалари қуйидаги 9 ва 10-расмларда келтирилган.



9-расм. Ажратиш барабаннинг айланишлар сонини ажратиш самарасига ва чигитнинг механик шикастланишига таъсири.


9-расмда келтирилган графикдан кўринадикки планкали ажратиш барабаннинг айланишлар сони 730 айл/мин.дан 1420 айл/мин.гача ортиши билан тозаланган пахтани арра тишидан ажратиш самарасини 82,5 % дан 90,2% гача ўзгаришига олиб келмоқда, бунда айланиш сони 960-1190 айл/мин бўлганида ажратиш самараси 92,6 % га кўтарилиб, тезликнинг хаддан ташқари оширилиши парраклар асосида вентилятор ҳолатини ҳосил қилишда арралардаги пахталарни қайта арраларга ёпиштириш ҳолати юзага келади деган хулосаларни қилишимиз мумкин. Ажратилган пахта таркибидаги чигитнинг механик шикастланишнинг ошиш даражаси кўрилганда 1,0 % дан 1,8 % гача ўзгарганлиги, яъни айланиш сонини 1420 айл/мин. гача ортишида планка парраклари томонидан пахтани катта тезликда юқори девор томон тўғридан-тўғри улоқтирилиши билан деворга урилиши ҳисобидан чигитнинг механик шикастланишини 0,8% гача ортишига олиб келди.

Тажрибаларда регенераторнинг аррали барабандан тозаланган пахтани ажратувчи резина-планкали барабандаги планкаларни барабан ўқига нисбатан  $\alpha=5^{\circ}$ ,  $10^{\circ}$ ,  $15^{\circ}$  бурчакка жойлаштиришда пахтани ажратишга, чигитни шикастланишига ва чиқиндидаги пахта бўлақларини миқдорига, тозалаш самарадорликка таъсирини кўриб чиқилди.

Тажрибада 3 дона пахтани йирик ифлосликлардан тозалагичлар ишлатилди, тозалагичлардан ажралаётган чиқинди таркибидаги пахта миқдори

27,5 % ни ташкил этиб, ажралаётган чиқинди 2РХ-М регенераторига узатиш унумдорлигини 1800-2000 кг/соат оралиғида бўлиши таъминланди.

Тажриба натижалари қуйидаги 10-расмда келтирилган.



**10-расм. Барабаннинг айланиш сонини ва планкаларни ўрнатиш бурчагини пахтани ажратиш самарасига таъсири**

10-расмдан кўринадики, планкаларнинг ўрнатиш бурчагини 5<sup>0</sup> дан 15<sup>0</sup> гача оширилиши ажратиш самарасини камайишига олиб келмоқда, лекин барабаннинг айланиш сони 730 дан 960 айл/мин га ошишида ажратиш самарасини ҳар бир тажриба вариантыда юқорилигини кўрамыз, аксинча барабан айланиш сонини кўпроқ оширилиши (1190 дан 1420 айл/мин гача) ажратиш самарасини камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Барабанга планкаларни ўрнатиш бурчаги 5<sup>0</sup> булганида ажратиш самараси барабаннинг ҳар бир 730-960 айл/мин айланиш сонини да ажратиш коэффициентининг 97,8 % дан 99,2 % гача ошганини ва тезликни янада кўпроқ 1190-1420 айл/мин гача оширилишида ажратиш самарасини 98,6 % ва 96,2% гача тушиб кетганини айланиш тезлиги ошиши билан арра тишларида илашиб турган пахта бўлақларини ажратиш вақтини камайишига олиб келади ва ажратиш самарасини камайишига олиб келади.

Ўтказилган дастлабки тажриба натижалари бўйича пахта регенераторининг сифатли ишлашини таъминланишига таъсир этувчи асосий омиллар аниқланди ва тўлиқ омилли тажрибалар ўтказилди. Тажриба ишлари Нам-77 селекция навли, II-саноат навли, 2-синфли дастлабки ифлослиги - 9,8 %, намлиги - 9,0 %, пахтада ўтказилди.

Регенерацияда ажралаётган пахтанинг сифатини баҳолашнинг критерия чегараси сифатида регенераторнинг ажратиш самараси  $Y_1$  ва тозалаш самараси  $Y_2$  олинди. Белгиланган критерияларга таъсир этувчи асосий омиллар:  $X_1$  – Паррактларнинг дискда ўрнатиш бурчаги, градус,  $X_2$  – Паррактлар ва аррача орасидаги масофа, мм,  $X_3$  – Иш унумдорлиги, т/соат қабул қилинди.

Тажриба синовларини ўтказишда тўлиқ омилли PLANEXP-2 иккинчи тартибли  $V_3$  режалаштириш усулидан фойдаланилди.

Тажриба натижаларини, компьютер амалий программаларидан фойдаланилган ҳолда, дастлабки ишлаш натижасида пахта регенерация

жараёнининг барча чиқиш параметрларини етарли даражада тавсифловчи куйидаги регрессия тенгламалари олинди:

-ажратиш самараси,

$$Y_1 = 98.858 + 0.417 X_1 - 0.527 X_2 - 1.065 X_2^2 - 0.449 X_3^2 \quad (8)$$

-тозалаш самараси,

$$Y_2 = 88.168 - 0.490 X_2 - 0.427 X_3 - 0.703 X_1^2 - 1.053 X_3^2 \quad (9)$$

Ҳосил бўлган оптимизация масаласи тасодифий қидирув усули ва замонавий компьютер амалий программалар дастурлари ёрдамида ечилди ва куйидаги рационал ечимлар олинди: резина-планкаларнинг дискда ўрнатиш бурчаги  $7^0$ , планкалар ва арра орасидаги масофа 4 мм, ускунанинг иш унумдорлиги 2 т/соат ни ташкил этди.

Берилган омилар қийматида пахта регенераторининг самарали ишлаши кузатилди, яъни тозаланган пахтани арра тишларидан ажратиш самараси 99,0% ва тозалаш самарадорлиги 88 % дан юқори.

Тўртинчи **“Такомиллаштирилган регенераторнинг ишлаб чиқариш синовлари ва иқтисодий самараси”** номли бобда, схемаси ва умумий кўриниши муаллиф томонидан асосланган параметрларга мувофиқ, таклиф қилинган пахта регенераторининг тажриба намунасининг ишлаб чиқариш синовлари натижалари келтирилган.

Регенераторнинг такомиллаштирилган тажриба намунаси синовларини Фарғона вилояти Боғдод пахта тозалаш корхонаси амалга оширилди 11-расм.

Регенераторнинг тажриба синов ишлари корхонадаги Нам-77 селекция навли, II ва IV- саноат навли пахталарда ўтказилди. II-саноат навининг дастлабки лаборатория тахлиллари унинг ифлослиги 8,8 % ни намлиги эса 9,6% ни, IV- саноат навининг ифлослиги 11,6% ни ва намлиги 12,8 % ни ташкил этди. Солиштирув тажриба синовларни бажаришда II-саноат навидан 5200 кг дан 5250 кг оралиғидаги пахталарни тартиб олинди, бунда жинлашдан олдин пахта хомашёсининг ифлослик даражаси 1,0-1,1 % оралиғида эканлиги, йирик ифлосликлардан тозалаш машиналаридан ажралаётган чиқинди таркибини тахлил қилинганда 10,5 % атрофида чигитли пахта паллачалари миқдори борлиги аниқланди. IV- саноат навинида тажрибаларни ўтказишда кичик партиялардан 5150 кгдан 5200 кг гача пахтани торозда тортилди. Лаборатория тахлиллари кўрсатдики жин лотигига узатилаётган пахтанинг ифлослик даражаси 1,2-1,3 % ни ташкил этди. Тозалагичлардан ажралаётган чиқинди таркиби кўрилганда, чиқинди таркибида 12,2 % миқдорда чигитли пахта паллачалари мавжудлиги аниқланди.

Тажриба натижаларидан кўринадикки II-нав 2-синфга мансуб пахтани мавжуд технологик жараёнда қайта ишланганда толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар миқдори пахта оқимига 2РХ-М регенераторидан олинган пахтани кўшилганда 3,7 % ни, яъни II-нав ўрта синфга мансуб тола ишлаб чиқилган бўлса, 2РХ-М регенератор пахтаси кўшилмаганда 3,0 %, яхши синфга ўтганлиги кўринадик. Таклиф этилаётган технологик жараёнда ишлаб чиқарилган толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар миқдори 2РХ-М регенератор пахтасини оқимга кўшилганида 3,5 % ни ташкил этмоқда ва II-нав

яхши синфга ўтади, 2РХ-М пахтаси қўшилмаганда эса 2,8 % ни ташкил этиб, яхши синфга мансублиги кўринди.



11-расм. Тажриба синов учун тайёрланган регенератор.

Худди шунингдек IV-нав 2-синфга мансуб пахтани мавжуд технологик жараёнда қайта ишланганда толада нуқсонлар ва ифлос аралашмалар миқдори 2РХ-М регенератордан олинган пахтани оқимга қўшилганида 6,2 % ни ташкил этиб, ишлаб чиқарилган толанинг сифат кўрсаткичи IV-нав ўрта синфга тўғри келган бўлса, 2РХ-М регенератор пахтаси қўшилмаганда 5,6 % ни ташкил этиб яхши синфни кўрсатмоқда. Таклиф этилаётган технологик жараёнда эса толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар миқдори 2РХ-М регенератордан олинган пахтани оқимга қўшилганида 6,0 % ни ташкил этмоқда ва ишлаб чиқалган толанинг сифат кўрсаткичи IV-нав яхши синфга тўғри келмоқда, 2РХ-М регенератор пахтаси қўшилмаганда эса 5,8 % ни ташкил этиб IV-нав яхши синфни кўрсатмоқда.

Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажриба-синов натижаларида таклиф этилаётган 2РХ-М регенераторидан олинаётган пахталарни технологик жараённинг оқимига қўшилганида ҳам тозалаш технологик жараёни бўйича умумий тозалаш самарадорлиги мавжуд технологик жараёнга нисбатан 2,3-3,4 % юқори бўлишига ва қайта ишланган пахтадан олинган толанинг яхши синфга ўтганлиги аниқланди.

Тавсия этилган такомиллаштирилган пахта регенераторини пахта тозалаш корхоналарини пахтани йирик ифлосликдан тозалаш ускуналари тизимига жорий этишдан олинадиган йиллик иқтисодий самара тола сифатини 0,2% га яхшиланиши ҳисобига 210,0 млн. сўмни ташкил этади.

## ХУЛОСА

1. 2РХ-М регенераторининг назарий таҳлиллари ва регенераторларнинг ишлаш жараёнларининг кузатувлари асосида арра тишларидан пахтани ажратиш барабанини, илдирувчи колосникли мосламани, юқори қопқоқни етарлича асосланмаганлиги аниқланди ва ушбу ишчи қисмларнинг такомиллаштирилган схемалари таклиф этилди.

2. Толали чигитни регенератор аррали барабани арра тишлари илиб олгандаги ҳаракатини ифодаловчи тенгламалар системаси ва уни резина планка орқали ажратиб олиш кучини аниқлаш формуласи ҳосил қилинди.

3. Пахта бўлагини резинали планка сиртидаги ҳаракат қонунини ифодаловчи дифференциал тенгламалар системаси ҳосил қилинган ва пахта бўлақларини резина-планкали барабанда транспортировка қилиш вақтини барабан бурчак тезлигининг ортиши билан нозизиқли қоидада камайиши аниқланди.

4. Резина планкани барабан тишларидан пахта бўлақчаларини ажратиб олиш кучини тиш сиртини барабан радиуси билан ҳосил қилган бурчагига ва пахта бўлақчасини тиш сирти билан ишқаланиш коэффициентига боғлиқлик графиклари курилди. Графиклар тахлили шуни кўрсатадики, пахта бўлагини тиш сирти билан ишқаланиш коэффициенти 0,15 дан 0,45 гача орттирилганида ва тиш сирти қиялик бурчаги  $\beta = \rho/6$  га тенг бўлганида толали чигитни чиқариб олиш кучи 0,24 Н дан 0,43 Н гача ортиб боради.

5. Пахта бўлақларини барабан тишларидан ажратиб олишни таъминлаш учун уни арра тиши сирти билан ишқаланиш коэффициенти қийматлари  $f \leq (0,3-0,35)$  бўлиши тавсия қилинди.

6. Резинали планка ҳаракати йўналишини, яъни Х координата ўқи билан ҳосил қилган бурчагини тавсия қийматлари  $\alpha \leq (78-75^\circ)$ , бунда толали чигитни арра тишидан чиқариб олиш кучи юқори бўлмаслиги таъминланади.

7. Тажрибаларда резина-планкали ажратувчи барабаннинг планкаларини барабан ўқига нисбатан ўрнатиш бурчагини  $5^\circ$  ҳолатида ва барабаннинг айланиш сонини 960 айл/мин бўлганда ажратиш коэффициенти 99,2 % дан ошиши ва чиқиндидаги пахта бўлақчасининг миқдори эса 0,8 % гача камайишини кўришимиз мумкин.

8. Тажриба натижаларидан илдирувчи колосникли мосламанинг арра тишлари билан биринчи колосник оралиқ масофаси  $h=20$  мм, иккинчи колосник оралиқ масофаси  $h_1=18$  мм ва учинчи колосник билан арра оралиқ масофасини  $h_2=16$  ммга ўрнатилган вариантда тозаланган пахтанинг ифлослик даражаси 10,8 % ни, чиқинди таркибидаги пахта бўлақларининг миқдори эса 3,1 % ни ташкил этиб, қолган вариантларга нисбатан қониқарли эканлигини кўрсатди.

9. Тажриба регенераторининг оптимал кўрсаткичларини тўлиқ омилли тажрибалар асосидан аниқланиб, паррақларнинг дискда ўрнатиш бурчаги  $-7$  градус, паррақлар ва аррача орасидаги масофа 4 мм, юқори қопқоқнинг рамага нисбатан қиялик бурчаклари 0,74 градус ва иш унумдорлиги 2 т/соатни қабул қилинди.

10. Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажриба-синов натижаларидан таклиф этилаётган 2РХ-М регенераторидан олинаётган пахталарни технологик жараён оқимида қўшилганида ҳам тозалаш технологик жараёни бўйича умумий тозалаш самарадорлиги мавжуд технологик жараёнга нисбатан 2,3-3,4 фоиз юқори бўлишига ва қайта ишланган пахтадан олинган толанинг яхши синфга ўтганлиги аниқланди.

11. Такмиллаштирилган регенераторнинг ишлаб чиқаришга жорий этилишидан толанинг 0,2% га яхшиланишидан йиллик иқтисодий самара 210,0 млн. сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30/30.11.2021.Т.141.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АО «ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ»**

---

**АО «ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ»**

**ИСМАИЛОВ УЛУГБЕК МИРАБИДОВИЧ**

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ТЕХНОЛОГИИ  
РЕГЕНЕРАЦИИ И ОЧИСТКИ ХЛОПКОВЫХ ОТХОДОВ ПУТЕМ  
УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕМ РАБОЧИХ ОРГАНОВ РЕГЕНЕРАТОРА**

**05.06.02 – “Технология и первичная обработка текстильных материалов и сырья”**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2023**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2022.2.PhD/T2915.**

Диссертация выполнена в акционерное общество «Пахтасаноат илмий маркази».

Автореферат диссертации находится на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) в веб-сайте ученого совета при АО «Пахтасаноат илмий маркази» ([www.paxtasanoatilm.uz](http://www.paxtasanoatilm.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Кулиев Тохир Мамаражапович**  
доктор технических наук, профессор.

**Официальные оппоненты:**

**Сулаймонов Рустам Шенникович**  
доктор технических наук, профессор

**Исмаилов Алишер Абдулхаевич**  
кандидат технических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ферганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «27» марта 2023 года в 14:00 часов на заседании научного совета DSc.30/30.11.2021.T.141.01 при АО «Пахтасаноат илмий маркази» по адресу: 100070, г. Ташкент, ул. Шота Руставели, 8. Тел.: (+99871) 207-04-03; факс: (+99871) 256-04-21; e-mail: [info@paxtasanoatilm.uz](mailto:info@paxtasanoatilm.uz) (Здание акционерного общества «Пахтасаноат илмий маркази», 3-этаж, зал совещаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре акционерного общества «Пахтасаноат илмий маркази» (зарегистрирована за № 11) по адресу: 100070, г. Ташкент, ул. Шота Руставели, 8. Тел.: (+99871) 207-04-03.

Автореферат диссертации разослан «17» марта 2023 года.  
(реестр протокола рассылки № 11 от «17» марта 2023 года).



**К.Ж.Жуманийзов**  
Заместитель Председателя Научного Совета  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**М.Р.Муминов**  
Ученый секретарь Научного Совета  
по присуждению ученых степеней, д.ф.ФhD, с.н.с.

**Р.К.Джамолов**  
Председатель Научного семинара при Совете по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мировой текстильной промышленности используется 55-60% всего количества хлопкового волокна. Согласно последним данным мировой статистики и Международного консультативного комитета по хлопку (ICAC), «четверку крупнейших экспортеров хлопкового волокна в сезоне 2020-2021 годов составляют США, Индия, Австралия и Бразилия, а импортеров – Бангладеш, Вьетнам, Китай, Турция и Индонезия»<sup>1</sup>. Последовательное и стабильное развитие хлопкоочистительной отрасли, внедрение современного оборудования на предприятиях отрасли, повышение уровня эффективного и рационального использования производственных мощностей, выпуск конкурентоспособной продукции на мировом рынке хлопка. В связи с этим особое значение приобретает совершенствование хлопкоочистительного оборудования с высокой производительностью и создание ресурсосберегающих технологий в отрасли первичной переработки хлопка.

